

Ўлгунимча Аллоҳдан узоқлашмайман



08:48 / 13.05.2020 2303

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Отамнинг вафоти яқинлашди. У кишининг ёнларида ётардим. Қўлимда бир парча латта бор эди. Жон таслим этишлари оғирлашиб, кейин жим бўлиб қолдилар. Биз жони узилди деб ўйладик. Аммо бироздан сўнг ҳушларига келиб, «Ҳеч қачон, ҳеч қачон» деб, бир неча бор такрорладилар. «Нега ундай деяпсиз, отажон?» дедим. «Бирор нарсани тушундингми, ўғлим?» дедилар. «Йўқ», дедим. Отам шундай дедилар: «Аллоҳ лаънатлаган иблис ёнимда алаmidан бармоғини тишлаб турибди, «Эй Аҳмад, мени эзиб юбординг», деяпти. Мен эса унга: «Ўлгунимча Аллоҳдан узоқлашмайман», дедим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан